



INV. №

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2010 йил

26 июнь

ШАНБА

№ 50

(12.270)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Кадрли дўстлар! Авваламбор, сиз, хурматли журналистларни, нашриёт ва матбаа, радио ва телевидение соҳаси фидойиларини, муҳтарам фахрийларимиз, юртимиздаги барча муштарийларни бугунги кутлуг айём – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Журналист ахлининг машаққатли ва шарафли меҳнатидан, таъсирчан сўзи ва ижодий маҳоратидан ҳар кун баҳраманд бўладиган миллионлаб одамлар сизларнинг тимсолини эълон қилиш манфаатини ўйлаб яшайдиган фидойи инсонларни, олижаноб касб эгаларини кўради.

Бундан бир аср муқаддам ўзбек миллий журналистикасининг тамал тошини қўйган маърифатпарвар боболаримиз матбуотнинг асл моҳиятини ана шундай чуқур англаб, масъулият билан иш юритганлари, ўйлаб-ўйлаб, сизларга яхши маълум.

Бу фикрни биргина мисол – 1914 йили «Садои Фарғона» газетасининг ilk сонидида чоп этилган «Матбуот бутун дунёдаги маданий миллатларнинг ҳаёт йўллари, оламдаги даражалари ва инсоният тараққиётининг чўққиси учун лозим бўлган сайёҳаракатлар тўғрисида маслаҳатлашмоқ ва кенгашмоқ учун зарур бир воситадир» деган сўзлар ҳам яққол исботлайди.

Мустақиллик йилларида миллий матбуотимиз ана шундай тамойиллар ва замонавий талаблар асосида тубдан янгиланиб ва ривожланиб бораётгани айниқса эътиборлидир.

Шу билан бирга, барчамиз яхши тушунамизки, бугун биз яшаётган шиддатли XXI аср, ҳаётимизга кескин суръатлар билан кириб келаётган глобаллашув жараёнлари оммавий ахборот воситалари ва журналистларимиз олдида янада муҳим ва долзарб вазифаларни қўймоқда.

Бу ўринда гап журналистнинг нафақат истеъдоди ва маҳорати ҳақида, айна пайтда ўз умрини шу захматли касбга бағишлаган ҳар қайси инсоннинг фуқаролик масъулияти, ҳамиша давр билан ҳамнафас бўлиб, жамятдаги ўткир муаммоларни дадил кўтариб чиқиши,

уларга жамоатчилик ва кенг омманинг эътиборини қаратиши, қисқа қилиб айтганда, эл-юрт дарди ва истикболи учун, ҳаётимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, адолат ва ҳақиқат қарор топиши учун қуйиб-ёниб яшаши ҳақида бормоқда.

Шу маънода, ўзини юртпарвар деб ҳис қиладиган ҳар бир журналистнинг Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг халқаро майдонда муносиб обрў-эътибор қозониши, бугунги нотинч замонда, айниқса ён-атрофимиздаги вазият кескинлашиб бораётган бир пайтда она юртимизни асраш-авайлаш, дўстни душмандан, оқни қорадан ажратишга, аҳолиимизни доимо сезгир ва огоҳ бўлиб яшашига даъват этишда ўз ҳиссасини қўйиши алоҳида аҳамиятга эга.

Бу эса матбуот ахлининг тез ўзгариб бораётган ҳаёт билан ҳамкада бўлиб яшашини, тараққиёт сирларини эгаллаш, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, аввало Интернет имкониятларидан тўла фойдаланишга эришишни, ўз устида доимий ишлашни тақозо этади, албатта.

Қаттиқ ирода ва тинимсиз меҳнатни талаб қиладиган бундай вазифалар ҳақида гапирганда, барчамиз яхши англаймизки, аввало мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини замон даражасига кўтариш учун ҳуқуқий кафолат ва шaroитларни, журналист ва техник кадрлар тайёрлаш тизимини тақомиллаштириш, уларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириш масалалари демократик давлат барпо этиш вазифасининг узвий бир қисми бўлишини таъминлаш мақсадида ҳали яна улкан ишларни амалга оширишимиз зарур.

Бу хусусда сўз борганда, кейинги йилларда марказда ва жойларда оммавий ахборот воситаларининг моддий-техник базаси, кадрлар салоҳияти мустаҳкамлаётгани, айниқса нодавлат нашрлар ва телерадиоканаллар фаолияти кенгайиши ахборот майдонида ўзаро рақобат муҳитининг, энг муҳими, жамятимизда фикрлар ва қарашлар ранг-баранглигининг кучайиши, аҳолиимизнинг дунёқараши ва маънавий олами янада юк-

салтиришга катта таъсир кўрсатмоқда.

Шундай ижодий ўзгаришларни қўллаб-қувватлаш, уларга янги амалий туртки бериш мақсадида матбуот байрамига бағишлаб жойларда бўлиб ўтадиган турли тадбир ва учрашувларда журналистларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва вазифаси хусусида ҳоқимият ва жамоатчилик вакиллари иш-тироқида кенг ва атрофлича фикрлашиб олиш айна мудида бўлур эди.

Шу борада чуқур бир ҳақиқатни англаб олишимизни истардим: оммавий ахборот воситаларининг бугунги фаолияти, уларнинг савияси, ўткирлиги ва таъсири, бир сўз билан айтганда, бу соҳани амалда «тўртинчи ҳоқимият» даражасига кўтариш учун яна қандай чоралар тадбирлар қўриш, қандай вазифаларни амалга ошириш кераклигини белгиллаб олишда, илгор дунё тажрибасини жорий қилишда бизга ўзимиздан бошқа ҳеч ким кўмак беролмайди.

Ўзимиз белимизни қаттиқ боғлаб, қўлоғимизда бамисоли занжир бўлиб турган эскича қараш ва қолип-лардан озод бўлиб, қонун олдида барчаннинг тенг экани амалда ўз тасдиғини топиши учун чарчамасдан доимо курашиб – бугунги давр талаби эканини унутмаслигимиз лозим.

Бугун юртимизда матбуот байрамини нишонлар эканимиз, қайси соҳа бўлмасин – бу газетажурнал ёки радио-телевидение бўладими, нашриёт ва матбаа соҳаси бўладими – журналисткамиз ривожига катта хисса қўшаётган барча ижодий ва техник ходимларни, муҳтарам фахрийларимизни ушбу кутлуг сана билан яна бир бор табриклаб, сизларнинг шарафли меҳнатинингизни халқимиз, Ватанимиз ҳамиша юксак қадрлайди, деб қалбимдаги эзгу тилакларимни билдиришдан бахтиёрман.

Хурматли ва азиз дўстлар!

Барчангизга сихат-саломатлик, бахт ва омад, масъулиятли фаолиятингизда янги-янги муваффақиятлар тилайман.

Меҳнат ва ижод завқи сизларни ҳеч қачон тарк этмасин.

**Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон
Республикаси
Президенти.**

27 ИЮНЬ – МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ



МИЛЛИЙ МАТБУОТ РАВНАҚИГА ЭЪТИБОР

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш, мустақиллиги ва эркинлигини амалда таъминлаш баробарида масъулиятини янада ошириш муҳим аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидлади. Бундай эътибор ва ғамхўрлик соҳа ходимларидан жамят олдидаги маънавий-ижтимоий бурчини янада татроққў ҳис этишни, замон руҳи билан ҳамнафаслик, ҳамкадамликни, фаол ва қатъий фуқаролик позициясига эга бўлишни, воқеликка чуқур таҳлили ёндашуви талаб этади.

Мамлакатимизда 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун кенг нишонланаётган шу кунларда бу жиҳатлар яна бир қарра ўз исботини топмоқда.

Халқимизнинг сиёсий, ижтимоий фаолиятини ошириш, маънавийларни юксалтириш, барча соҳаларда кечаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига ҳолис, ҳаққоний ва тежоратқизишда, баркамол авлодни тарбиялашда, ёшларни миллатимиз учун ёт гоълар таъсиридан асраб-авайлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Президентимиз раҳнамолигида миллий матбуотни изчил равангга топтириш, унинг жаҳон ахборот маконида ўз ўрни ва мавқеига эга бўлиши, эркин ва самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шароит ва имкониятларни яратиш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари

ри кун муносабати билан ўтказилаётган турли анжуманлар ва ижодий учрашувларда бу борадаги вазифаларга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Соҳа ходимларининг касб байрамига бағишлаб 25 июнь кун Ибрат Миллий академик драма театрида тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Унга турли вазирлик ва идоралар, жамоат таъкилотлари вакиллари, соҳа фахрийлари, оммавий ахборот воситалари, нашриёт матбаа-ижод уйларида фаолият кўрсатаётган ижодкорлар, олий ўқув юртинининг журналистика факультети профессор-ўқитувчилари, ижодкорлар, талабалар, кенг жамоатчилик вакиллари тақдир этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш. Фуломов оммавий ахборот воситаларини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, матбуотимизнинг сифати ва таъсирчанлигини ошириш, унинг самарали фаолият кўрсатиши учун барча шароит ва имкониятларни яратиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, кадрларнинг ижодий, техник маҳорати ва малакасини юксалтириш масаласи давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида эканини таъкидлади.

Нодавлат оммавий ахборот воситаларининг тармоғини янада кенгайтириш, уларнинг юртимизда кечаётган ислохотлар ва хорижда содир бўлаётган воқеаларни фаол, ишончли тарзда ёритиш учун қўшимча шароит ва имкониятлар яратиш, журналистларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан Баркамол авлод йили деб эълон қилинган жорий 2010 йилда жамят ҳаётининг барча жаҳаларида бўлгани каби миллий матбуот соҳасига дадил кириб келаётган истеъдод соҳибларини кашф этиш, ўз сўзи ва овозига эга бўлган иқтидорли ёш журналистларни қўллаб-

қувватлаш, уларни ҳар томонлама рағбатлантириш, янгидан-янги ижодий парвозлар сари даъват этишга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Йилнинг энг фаол журналисти» республика кўрик-танлови ғолиблари ва совриндорларига мукофотлар топширилди. Болалар спортини ривожлантириш, аҳолини жисмоний тарбия ва оммавий спортга кенг жалб этишга оид чора-тадбирларни фаол ва кенг ёритган журналистлар Болалар спортини ривожлантириш жағмаси ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг совғалари билан тақдирланди.

Тадбирда сўзга чиққанлар миллий журналистикани ривожлантириш, соҳа ходимларининг меҳнатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Орипов иштирок этди.

**Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.**

СУРАТДА: тадбирдан лавҳа.

Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган сурат.

ДЕПУТАТ ТАДБИРКОРГА МАСЛАҚДОШ

Бекободадаги 78-сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сайланган Абдухалиқ Жабборов Далварзин қишлоқ фуқаролар йиғини сайловчилари билан учрашди.

Унда ҳоқимлик вакиллари, депутатлар, маҳалла фаоллари иштирок этди.

Учрашувда тадбиркорлар ҳамда ушбу фаолият билан шуғулланиш истаги бор юртошларимизга ёрдам бериш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш хусусида сўз борди.

Қатнашчилар ўзларини қизиқтирган саволларга мукамал жавоб олдилар.

ВИЛОЯТ ҲОҚИМЛИГИДА

ҚОНУН ИЖРОСИ ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИДА

Республика Президентининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги маърузасида парламентнинг ҳақ депутатлари маҳаллий кенгашлари билан ҳамкорлиги масаласига алоҳида урғу берилган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталари, хусусан, Аграр ва сув

ҳўжалиги масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг

«Ер кодекси»да белгиланган, қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерлар тўғрисидаги меъёрларнинг Тошкент вилоятидаги ижросини ўрганиш мақсадида назорат-таҳлил ўтказилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят кенгаши депутатлари, республика Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, «Ерғодезқадастр» давлат қўмитаси, вилоят

ҳоқимлигининг масъул ходимлари ва мутахассислари иштирокида ўтказилган кенгайтирилган йиғилишда назорат-таҳлил натижалари муҳокама этилди.

(Давоми 2-бетда).

Вилоят ҳаёти

ЗАНГИОТА ТУМАНИ

ЯНА БИР ЯНГИ МАЖМУА

Хонобода қишлоғида янги савао мажмуаси қад ростлади.

Тадбиркор Абдумутал Ҳасанов ташаббуси билан барпо этилган мажмуада фермерлар етиштирган турли қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари бор. Унинг қулайлиги шундаки, мажмуадаги барча озиқ-овқатлар алоҳида-алоҳида дўкончаларда жойлаштирилган.

ЧИРЧИК ШАҲРИ

ТАЪТИЛДА ЗЕРИКИШ ЙЎҚ

Болажоналарнинг ёзги таътилни мароқли ўтказишлари таъминлаш мақсадида 7-умумтаълим мактаби қошида дам олиш ва соғломлаштириш оромгоҳи ташкил этилди.

Унда кам таъминланган оилаларнинг 120 га яқин ўғил-қизлари дам олмақда.

«Маҳалла» хайрия жағмармаси, «Ғунча» очик акциядорлик жамяти ва «Электромонтаж» корхонаси ҳомийлигидаги оромгоҳда барча шароитлар етарли. Шунингдек, турли тўғарақлар, спорт машғулотлари, кўнғилочар ўйинлар ҳам уюштирилмоқда.

ПАРКЕНТ ТУМАНИ

«ГУЛБОҒ»ДА УЧРАШУВ

«Гулбоғ» кўрғонининг алаа шийпонидида ғаллакорлар билан учрашув бўлиб ўтди. Унда фермерлар, ҳайловчи, механизатор ва муҳандислар иштирок этди.

Учрашувда ғаллакорлар олдидаги масъулиятли вазифалар, ҳосилни нест-нубуд қилмай йиғиб олиш ва шартномани тўла бажариш масалаларига алоҳида урғу берилди.

Ирода МАКСУД қизи.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси «Йилнинг энг фаол журналисти – 2009» танлови ғолибларини эълон қилади:

Танлов ғолиблари:
Фаррух АЗИМОВ, «Хуқуқ оламида» газетаси муҳаррири (Наманган вилояти) – хавфсизлик бўйича долзарб масалалар, хусусан, халқаро терроризм, диний экстремизм ва экологик муаммоларга бағишланган материаллари учун

Ашуралӣ ЖЎРАЕВ, «Гулхан» журналі бош муҳаррири – маънавий-маърифий мавзудаги туркум мақолалари учун

Муаззамхон ИБРАГИМОВА, Ўзбекистон Электрон ОАВ миллий ассоциациясига қарашли «Дийдор» радиоси муҳаррири – аҳолининг репродуктив саломатлиги, оналик ва болалиқни ҳимоя қилиш

масалаларига бағишланган туркум эшиттиришлари учун

Анна ИВАНОВА, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзАнинг ахборот ва хабар узатиш хизмати бош муҳаррири – юртимизда юз бераётган ички сиёсий воқеалар ва халқаро қўламдаги ижтимоий аҳамиятга молик муҳим тадбирларни интернет нашрларда тезкорлик билан ёритгани учун

Дилдора МАРДИЕВА, «Ёшлар» телерадиоканали катта муҳаррири – «Баркамол авлод йили» Давлат дастури ижросига ҳамда юртимизда ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган ижодий ишлари учун

(Давоми 2-бетда).



ЭРОН УРАНИ БОЙИТАЯПТИ

Мамлакат ядрочилари 17 килограмм урани 20 фоизгача бойитилганларини маълум қилдилар. Reuters агентлиги берган хабарда шундай далиллар келтирилган.

Эрон Атом энергияси таъкилотлари раҳбари Али Акбар Солихий унинг идораси ҳар ойда шундай даражада бойитилган 5 килограмм уран ишлаб чиқариш имкониятига эга эканлигини таъкидлади. "Аммо биз ҳеч қандай шонлиётганимиз йўқ", деди у.

Бош ядрочининг гапи-га қараганда, айна дамда керак бўладиганидан ортик урани бойитишдан маъни йўқ. Солихий эса

саратон касалига учраганлар Техрондаги "тиббий" реактор ёрдамида даволаниши, бунинг учун ҳар ойда 1,5 килограмм бойитилган уран кераклигини айтди.

Лондондаги стратегик тадқиқотлар халқаро институти эксперти Марк Фитцпатрикнинг таъкидлашича, бомба ишлаб чиқариш учун Эрон тахминан 200 килограмм урани 90 фоизгача бойитса қуфоя қилади.

ЖУЛИЯ – АВСТРАЛИЯ БОШ ВАЗИРИ

Австралия тарихида биринчи марта бош вазир курсига аёл киши ўтирадиган бўлди. Жулия Гиллард ҳуқуқрон лейбористлар партияси бошлиғи Кевин Радд ўрнига сайлангани ҳақида AFP агентлиги хабар тарқатди.

Парламентнинг лейбористлардан иборат 112 депутати иштирок этган сайловда Жулия яқна номзод бўлди. Таҳлилчиларнинг фикрича, партия ички сайловда ютиб чиқиш учун ҳеч қандай имконияти бўлмагани боис Радд ўз номзодини қўймади.

Жулия Гиллард Австралиянинг биринчи аёл бош вазир бўлибгина қолмай, мамлакатда шундай юқори ҳуқуқат лавозимини эгаллаган биринчи чет эл фуқаросидир. У 1961 йилда Уэльсда туғилган. Оиласи 1966 йили Австралияга кўчиб келган. 2006 йил декабрда партияда аҳамияти жиҳатдан иккинчи даражада лавозим – Кевин Раддга ўринбосар бўлди. 2007 йил декабрда эса Австралия бош вазирини муовини лавозимини эгаллади. Турмушга чиқмаган, фарзанди йўқ.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
2010-2011 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ҚЎЙИДАГИ ТАЪЛИМ
ЙЎНАЛИШЛАРИ БЎЙИЧА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

БАКАЛАВРИАТ

I. Кундузги бўлим

Ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган таълим йўналишлари

1. Математика
2. Физика ва астрономия
3. Кимё
4. Биология
5. География ва иқтисодий билим асослари
6. Тарих
7. Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси
8. Педагогика ва психология
9. Меҳнат таълими

10. Мусиқа таълими
11. Ўзбек тили ва адабиёти
12. Хорижий тил: инглиз тили
13. Мактабгача таълим
14. Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими
15. Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш
16. Жисмоний маданият
17. Дефектология

Ўқиш рус тилида олиб бориладиган таълим йўналишлари

1. Рус тили ва адабиёти
2. Рус тили ва адабиёти (ўзга тилли гуруҳларда)
3. Хорижий тил: инглиз тили
4. Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш
5. Тарих

Ўқиш қозоқ тилида олиб бориладиган таълим йўналишлари

1. Қозоқ тили ва адабиёти
2. Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш

Ўқиш тожик тилида олиб бориладиган таълим йўналишлари

1. Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш
2. Тожик тили ва адабиёти

ИЖОДИЙ (КАСБИЙ) ИМТИҲОНЛАР АСОСИДА
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИГАН ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ

1. Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш (тожик гуруҳи) таълим йўналишига ҳужжат топширган абитуриентлар тожик тили ва адабиёти (ёзма), математика (ёзма), тарих (оғзаки) фанларидан имтиҳон топширадилар.

2. Тожик тили ва адабиёти таълим йўналишига ҳужжат топширган абитуриентлар тожик тили ва адабиёти (ёзма), тарих (оғзаки) фанларидан имтиҳон ва чет тилидан тест топширадилар.

3. Қозоқ тили ва адабиёти таълим йўналишига ҳужжат топширган абитуриентлар қозоқ тили ва адабиёти (ёзма), тарих (оғзаки) фанларидан имтиҳон ва чет тилидан тест топширадилар.

4. Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш (қозоқ гуруҳи) таълим йўналишига ҳужжат топширган абитуриентлар қозоқ тили ва адабиёти (ёзма), математика (ёзма), та-

рих (оғзаки) фанларидан имтиҳон топширадилар.

5. "Жисмоний маданият", "Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси", "Мусиқа таълими" таълим йўналишларига ҳужжат топширган абитуриентлар асосий таълим йўналишлари бўйича ижодий имтиҳон топширадилар. Шунингдек, кўрсатилган таълим йўналишига тегишли блокдаги фанлар бўйича абитуриентлар тест синовларидан ўтадилар.

АРИЗАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ 20 ИЮНДАН 20 ИЮЛГАЧА.
ТЕСТ СИНОВЛАРИ 1 АВГУСТ КУНИ ЎТКАЗИЛАДИ.

ЎҚИШГА КИРУВЧИЛАР ҚЎЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТОПШИРАДИЛАР:

1. Таълим йўналиши, ўқув тили ва шакли кўрсатилган ҳолдаги ректор номига ариза.
2. Умумий ўрта (11-синф негизиди) ёки ўрта махсус, касб-хунар маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси.
3. 086/У шакл бўйича тиббий маълумотнома.
4. 3,5 x 4,5 ўлчамдаги 6 дона фотосурат.

5. Паспорт нусхаси.
6. Паспорт ҳамда ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади ва ундаги маълумотлар қайд қилинади.
7. Танловдан ташқари ўқишга кириш ҳуқуқига эга бўлган халқаро ва республика олимпиадалари, танловлар ва му-

собақалар ғолиблари асл нусхадаги тасдиқловчи ҳужжатларни топширадилар.

8. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучлари сафида муқаддас ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқаролар ҳарбий қисм кўмондонлигининг тегишли тавсияномасининг аслини тақдим этадилар.

Институтда талабалар учун спорт заллари, кутубхоналар, ошхоналар ва ётоқхоналар фаолияти йўлга қўйилган. Ўқиш давомида талабаларнинг компьютер саводхонлигини ошириш ва интернет тармоғидан фойдаланиши учун барча шароитлар яратилган.

Тошкент вилоят давлат педагогика институтига ўқишга марҳамат!

Манзил: Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, 48-даҳа, 1-В уй.
Тел.: (8370) 662-24-89, 662-36-30, 662-25-17. Web-саҳифамиз: www.tvdpi.uz
Эл. почта: tvdpi info@edu.uz

ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ.

КАРЗАЙ
АМЕРИКА
ГЕНЕРАЛИНИ
ЎҚЛАДИ

Афғонистон президенти Ҳамид Карзай бироз обурўзиланиб қолган. Хавфсизликка кўмаклашиш халқаро кучлари кўмондонлиги бошлиғи генерал Стэнли Маккристални ўқлаб гапирди.

Associated Press хабарига Маккристал жанжалга сабаб бўлган интервьюси сабабли истеъфога чиқиш хавфи остида қолди. У яқинда Rolling Stone журналида чоп этилган интервьюсида АҚШ вице-президенти Жо Байденга нисбатан жиддий танбех сўзлар айтган эди.

Интервью пайтида иштирок этган генерал ёрдамчилари эса Барак Обама ва Оқ уй маъмурияти ходимларини танқид қилишганди. Карзай ўша жанжалли интервью юзасидан генерал кечирим сўради. Эртасига эса, НАТОдаги Америка кучлари кўмондони бўлиб ўтган воқеа юзасидан Барак Обамага шахсан тушунтириш бериш учун Вашингтонга нақилрилгани маълум бўлди.

ПОЛЬШАГА 390 МИЛЛИОН ЕВРО

Еврокомиссия тарқатган пресс-релизда Европа Иттифоқи ерости газ омборларини кенгайтириш мақсадалари учун Польшага 390 миллион евро ажратганлиги маълум қилинди.

2015 йилгача омборлар сифимини 160 фоиз ошириб, сақланадиган газ захирасини 1 миллиарддан 2,6 миллиард куб метрга етказиш мўлжалланмоқда. Дастурга мувофиқ мавжуд учта омбор кенгайтирилади ва битта янги омбор қурилади. Бу ишлар охирига етказилганча, Европа Иттифоқи мамлакатларида қарор топган йиллик эҳтиёжга нисбатан 14 фоиз атрофида газ захирасига эга бўлинади.

Евроиттифок омборларини кенгайтириш ва янги-сини қуриш тижорат нуқтаи назаридан рентабелли

эмаслигини ҳисобга олиб, Польшага ёрдам кўрсата-япти. Ҳозир мамлакат истеъмоли қилинаётган газнинг ўқдан икки қисmini четдан олишга мажбур. Омборларни кенгайтириш зарурати эса кейинги йилларда газ таъминотида юз берган ўзгаришлар натижасида туғилди. Украина билан Россия ўртасидаги газ нархи ва унинг транзити билан боғлиқ масалаларда юзага келган баҳо-мунозаралар Европа мамлакатларига газ етказиш бериш бир неча бор тўхтаб қолишига сабаб бўлди.

ЎҒРИЛАР ҲАЛИ АЛОҚАГА
ЧИҚИШМАДИ

Суданнинг Дарфур вилоятида инсонпарварлик миссияси аъзоларидан икки кишини ўғирлаб кетишди. Улардан бири немис, иккинчиси Нидерландия фуқароси эканлиги Zeit хабарига келтирилган.

БМТдаги бошқа манба берган маълумотда эса, йўқолганларнинг иккиси ҳам немислар, улар ўз оғиларидан ғойиб бўлишгани айтилади. Воқеа Ньяла шаҳрида юз берди. Немис техник ёрдам хизмати ходимларини қимлар ўғирлагани номаълум. Улар ҳали алоқага чиқишмади ва ҳеч қан-

дай талаб ҳам қўйишмади. Дарфур музофотида 2003 йилдан буён араб ва Африка қабилалари ўртасида фуқаролик уруши давом этмоқда. Халқаро ташиқлотларнинг фикрига қараганда бу беаъни уруш 300 мингдан зиёд кишининг ёстигини қуритди, қочқоқлар 2 миллион кишидан ошди.

САММИТДА... ПОРТЛАШ ЮЗ БЕРМАЙДИГАН БЎЛДИ

Торонто шаҳрида маҳаллий фуқаро ҳибсга олинди. У Канаданинг шу шаҳрида "катта йигирмалик"ка кирувчи давлатлар саммити чоғида кўпуровчилик уюштиришга тайёрланган, дея таҳмин қилинди.

AFP тарқатган хабарга кўра террорчи Байрон Сонн ўз уйда полиция ўтказган рейд давомида ушланди. Саммит ўтказиладиган жойдан бир неча километр масофадаги бу

уйдан портловчи моддалар топилди. Полиция берган маълумотларда 37 ёшли Сонн бу моддалар ёрдамида саммитда порт-

лаш ташкил этмоқчи бўлгани, аммо бу фалокатнинг олди ўз вақтида олингани, энди саммит тинч ва хотиржам ўтиши таъкидланади.

Торонтодаги "катта йигирмалик" учрашуви 26-27 июнь кунлари бўлиб ўтди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги
нотариус лавозимларига танлов эълон қилади!

Олмалик шаҳар	4-сон давлат нотариал идорасида	1 нафар
Чирчиқ шаҳар	3-сон давлат нотариал идорасида	1 нафар
Чирчиқ шаҳар	4-сон давлат нотариал идорасида	1 нафар
Зангиота туман	4-сон давлат нотариал идорасида	1 нафар
Зангиота туман	5-сон давлат нотариал идорасида	1 нафар
Зангиота туман	6-сон давлат нотариал идорасида	1 нафар
Қибрай туман	2-сон давлат нотариал идорасида	1 нафар
Тошкент туман	4-сон давлат нотариал идорасида	1 нафар

Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи
лицензияга эга бўлган, олий юридик маълумотли Ўзбекистон
Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Талабгорлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига шахсан қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

- а) Малака комиссияси номига ариза;
- б) паспорт нусхаси;
- в) белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
- г) меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
- д) нотариал фаолият билан шуғулланиш

Талабгор ўзининг касбий тайёргарлигини таърифловчи бошқа ҳужжатларни ёхуд уларнинг нотариал тасдиқланган нусхасини тақдим этиши мумкин.

Танловда иштирок этишни хоҳловчи фуқаролар 2010 йил 14 июль кунига қадар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига мурожаат этишлари лозим.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй.
Телефонлар: (8-371) 233-44-48, 236-78-52, (ички) 183, 184, 185.

ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

е) нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиб, лекин уч йил мобайнида нотариус лавозимида иш бошламаган талабгорнинг қайта малака имтиҳони топширганини ҳақида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма;

ж) охириги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Частная фирма "RAHIM JOY SERVICE", зарегистрированное отделение государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Учтенинского района, расположенное по адресу: м-в Алгоритм, 30-квартал, ул. Сегизбаева, 19-А (ИНН 204048484), ликвидирована (протокол собрания № 1 от 25.06.2010 г.). Претензии принимаются в течение 2-х месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 270-26-60.

Утеранный план квартиры, выданный БТИ Яккасарайского района по адресу: ул. Бабура, дом 67 корпус 1, кв. 38 на имя Зайкиной Веры Васильевны, считать НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Юнусовод туманида жойлашган 5-мактабгача таълим муассасасига туман хокимияти томонидан 2005 йил 31 мартда берилган 001105-10 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ДИҚҚАТ, ТЕНДЕР!

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш виллоят комиссияси томонидан 2010 йил 27 июль соат 18.00 да очик тендер ўтказилади.



1. Битта пакет билан: ВХ-309 "Ангрен АШБ – Тошкент АББ" (Ангрен томондан)
- ВХ-314 "Ангрен АШБ – Четсув қишлоғи"
- ВХ-323 "Ангрен деҳқон бозори – Увақ қишлоғи"
2. Битта пакет билан: ВХ-303 "Ангрен деҳқон бозори – Оҳангарон АШБ"
- ВХ-340 "Ангрен деҳқон бозори – Олмалик АШБ"
3. Битта пакет билан: ВХ-466 й.т. "Абдурахмонов ф/у – Чорсу бозори – Беруний АШБ"
- ВХ-473 й.т. "Дўстлик маҳалласи – Чорсу бозори – Беруний АШБ"
- ВХ-482 й.т. "Келес шаҳри – Чорсу бозори – Беруний АШБ"
4. Битта пакет билан: ВХ-329 "Олмалик АШБ – Шовғозсой қишлоғи"
- ВХ-335 "Оҳангарон АШБ – Тут қишлоғи"
5. ВХ-392 "Пискент АШБ – Қўйлик АШБ (Туябўғиз орқали)"
6. ВХ-345 й.т. "Тўйтепа АББ – Кучлик қўрғони"
7. ВХ-430 й.т. "Ким Пен Ха ф/у – Қўйлик АШБ"
8. ВХ-431 й.т. "Тўйтепа АББ – Фалақудқ қишлоғи"
9. ВХ-434 й.т. "А. Икромов ф/у – Тўйтепа АББ"
10. ВХ-444 й.т. "Тўйтепа АББ – ТошДАД тажриба ҳўжалиғи"

Очик тендерда мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатга олинган, солиқ органлари ҳисобига турувчи ва автотомобил транспортида шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро-виллоят ичида йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензия билан ҳўжалик юритувчи субъектлар иштирок этиши мумкин.

Тендер ташкилотчиси – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 1 ноябрдаги 229-сонли, Тошкент вилояти ҳокимияти 2007 йил 14 ноябрдаги 248-сонли ва 2009 йил 27 февралдаги 51-сон-

ли қарорлари билан тасдиқланган Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (виллоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш виллоят комиссияси.

Комиссия манзили: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Лисунова кўчаси, 4/68-уй.

Очик тендерда иштирок этишни хоҳловчилар Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (виллоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш виллоят комиссиясига тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент вилояти ҳокимиятининг йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензия-

лаш ва мувофиқлаштириш Департаменти ҳисоб рақамига "Ўзсаноатқурилиш Банк" (ОПЕРО ТПРФ УЗПСБ)нинг Тошкент шаҳридаги Минтақавий бўлими 20210000404661167001 (банк коди 00424, ИНН 300625470, ХТТУТ 51600)га энг кам ойлик иш ҳўкузининг 2 баробари миқдорда пул ўтказиб, 2010 йил 22 июлгача бул юртма беришлари лозим.

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (виллоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш виллоят комиссияси тендер тақлифларини 2010 йил 26 июль соат 18.00 гача қабул қилади.

Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Мовароуннахр кўчаси, 17-уй. Виллоят ҳокимиятининг кичик мажлислар зали. Маълумот учун телефон: (+99871) 294-92-43.

Утеранный план квартиры по адресу: г. Ташкент, Мирзо Улугбекский район, ул. О. Олимовна, д. 7, кв. 37, выданный Мирзо Улугбекским БТИ 13.06.2000г. (реестр. № 73-20893) на имя Хайдаровой Шоҳадатхон Тохтамышевна, считать НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Утеранный гос. ордер № 09-02/9945 от 27.05.97г. права собственности на квартиру Набиевой Дилары Абдулхаевны, считать НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Чилонзор тумани ТОРУ инспекцияси томонидан 29.12.2009 йилда 005516-08 реестр рақам билан рўйхатга олинган "ТБМ БЕТОНИ" (ИНН 301421360) устав фонди миқдор 600 000 000 сўмдан 4 000 000 сўмга камаётганлигини маълум қилади.

Ҳамза туман Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси томонидан 2010 йил 22 февралда 002727-07 реестр рақам билан рўйхатга олинган "BM CATERING SERVICE" МЧЖ (ИНН 301511605) тугатилади (рўйхатга олингандан бери фаолият юритмаган, банкда х/р очилмаган).

Ўзини ўзи тугатиш тўғрисидаги 23.06.2010 й. 1-сонли қарор. Кредиторлар ва дебиторлар давволари 1 ой муддатда 729-54-66 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Собир Раҳимов тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 26.09.2008 йилда № 05-002815 реестр рақам билан рўйхатга олинган (ИНН 300947728) "RA'NOXON-OMAD" масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган гувоҳнома, Устав, думалоқ муҳр ҳамда бурчак тамга йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ООО "AVIKON MED" объявляет об уменьшении размера Уставного фонда с 187 950 000 сум до 167 950 000 сум.

Футбол бўйича 19-Жаҳон чемпионатининг гуруҳ баҳслари низоъсига етди. Жумладан, "А" гуруҳи иштирокчилари учинчи тур ўйинларини ўтказиб, нимчорак финалга йўлланма олган терма жамоаларни аниқлаб олишди. Ўтган мундиал вице чемпионлари Франция терма жамоаси ЖАР билан ўйинни шармандаи тарзда бой бергач, уйларига қайтиб кетишди. Бош мураббий Раймон Доминек лавозимидан четлаштирилди. Унинг ўрнига "Бордо" бош мураббийи Лоран Блан тайинланди.

Жазоир терма жамоалари тўқнаш келдилар. 90 дақиқа давомида ҳисоб очилмади. Ниҳоят, асосий вақтга қўшиб берилган бир дақиқада Лендон Донован гол киритиб, АҚШ терма жамоасининг галабасини ва кейинги босқичга йўл



НИМЧОРАК ФИНАЛЧИЛАР МАЪЛУМ

ЁХУД БИЛ КЛИНТОН ҲАМ МАЙДОНДАН ГОЛСИЗ ҚАЙТМАДИ



Жанубий Корея терма жамоаси Нигерия билан дуранг (2:2) уйнагач, кўлга киритган бир очкоси уни Аргентинадан сўнг нимчорак финалга олиб чиқди.

"С" гуруҳида АҚШ ва

ланмани таъминлади. Қизғин шундаки, бу учрашувни кузатиш учун АҚШнинг собиқ президенти Бил Клинтон ҳам ташриф буюрди.

Шу гуруҳдаги Словения ва Англия терма жамоа-

лари учрашувининг 23-дақиқаида Жермейн Дефо киритган ягона гол Англияга нимчорак финалга йўлланма олиб берди.

"Д" гуруҳи. Австралия ва Сербия терма жамоалари учрашувда Австралия қозонган галаба бу гуруҳдан Германия 6 очко ва Гана 4 очко билан нимчорак финалга йўлланма олишларига сабаб бўлди.

Кеча бўлиб ўтган гуруҳ учрашувларидан сўнг курашни давом эттирадиган 16 та жамоа номи маълум бўлди.

Шоҳруҳ ҲАКИМОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

БОЛАЛАР СПОРТИ

СОВРИН БЕКОБОДДА ҚОЛДИ

Бекобод шаҳрида болалар ва ўсмирлар ўртасида футболни янада оммалаштириш ва энг кучли жамоаларни аниқлаш мақсадида 1996-1997 йилларда туғилган болалар ўртасида республика футбол турнири ўтказилди.

Мусобақаларда Бухоронинг "Бухоро", Жиззахнинг "Сўғдиёна", Навоийнинг "2-БЎСМ", Сирдарёнинг "Энергетик", Фарғонанинг "Спартак", Олмаликнинг "ОТМК", Янгийернинг "Янгийер", Бекобод туманининг "Зафар" ҳамда Бекобод шаҳрининг "Металлург", "Цементчи", "Мета-СТАР" жамоалари ғолиблик учун кураш олиб боришди. Жамоалар учта гуруҳга бўлинган ҳолда "Металлург" ва

"Цементчи" ўйингоҳларида беллашдилар.

Болалар ўртасидаги мусобақага қизиқиш катта бўлди. Беллашувлар кескин ва қизиқарли ўтди. Сирдарёнинг "Янгийер", Олмаликнинг "ОТМК", Жиззахнинг "Сўғдиёна" ва Бекободнинг "Металлург" жамоалари анча кучли тайёргарликка эга эканликларини намойиш этишди.

Учинчи ўрин учун "Ян-

гир" ва "ОТМК" футболчилари учрашдилар. Янгийерликлар рақибларини 4:2 ҳисобида доғда қолдиришди. Мусобақанинг финал қисмида "Металлург" ва "Сўғдиёна" жамоалари рўбарў келишди. Жиззахликларни 5:1 ҳисобида мағлубиятга учратган "Металлург" жамоаси республика турнири ғолиби бўлди.

Янгийерлик Шоҳруҳ Эшбутаев "Энг яхши дарвозабон", "Металлург" аъзоси Истам Юнусов "Энг яхши ҳимоячи", Жиззахлик Сирожиқдин Наврозов "Энг яхши ярим ҳимоячи",

Бекободлик Зухрилло Бобоев "Энг яхши ҳужумчи", "Сўғдиёна" вакили Шўҳрат Мирзақобилов "Энг яхши тўп урар", "Металлург" вакиллари Аббас Абдуминов "Турнирнинг энг ёш ўйинчиси" ва Сирожиқдин Тошпўлатов "Турнирнинг энг яхши ўйинчиси" номиначилари ғолиби бўлишди.

Турнирнинг тантанали ёпилиш маросимида ғолиб ва совриндорларга Бекобод шаҳар ҳокимлиги ҳамда қатор ҳомий ташкилотларнинг совғалари топширилди.

Ашуралӣ БОЙМУРОВОВ.

ЗУККОЛАР КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА

Республика маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, маданият ва спорт ишлари, ўрта махсус, касб-хўнаар таълими бoshқармаалари ҳамкорлигида Чирчиқ шаҳридаги зобитлар уйида "Қувноқлар ва зукколар" ҳудудий қўрик-танлови ўтказилди.

Саралаш босқичида Чирчиқ шаҳрининг "Бед бойз", Паркент туманининг "Таваккал" ва Чирчиқ шаҳрининг "Бед бойз" жамоалари вилоят босқичига чиқишди. Тадбир сўнггида ғолиб ва совриндорлар ташкилотчиларнинг қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

Ўқувчи натижаларга кўра, Паркент туманининг "Таваккал" ва Чирчиқ шаҳрининг "Бед бойз" жамоалари вилоят босқичига чиқишди. Тадбир сўнггида ғолиб ва совриндорлар ташкилотчиларнинг қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

Шоҳруҳ ТУРҒУНОВ.

ДАРВОҚЕ

БИР КУНЛИК ТҲҲ

Ўзбек халқи рўзғоридан орттириб, ё иморат солаи ёки тўй қилади. Дунёда болам-чакам, унинг орзу-хаваси деб, қуйиб-пишалаган бошқа бундай милаҳ бўлмаса керак.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Катта сарф-харажат билан дабдабали тўй қилиш замон талабига тўғри келармикан? Ҳадеб гарбага тақлид қилавермай, ўзбекана гўзал тўйларимизни йўлга қўйсақ нур устига аёло нур эмасми?

Шундай ота-оналар ҳам борки, фарзандлари шартнома асосида ўқишга кирса, пул тўлашдан қочиби, ўқитмайдилар. Аммо бир кунлик тўйда обрў олиш учун ҳар қандай харажатга рози бўладилар. Айниқса, қиз ўстирган оналар "Ўқишга пул тўлагунча, сепини йиққаним яхши", қабилида иш тутадилар. Аксига олиб, бугунги кунда бундай олди-берди расм-русмлар қамаийиш ўрнига кўпайиб, тўй қилиш ота-онага хурсандчилик ўрнига катта ташвиш туғдирмоқда. Ахир қиз боланинг

бахти тўйдаги сарпо-сурғ, мол-ҳолга боғлиқ эмас-ку! Яқинда қурсод дугонан билан учрашиб қолдик. Унинг айтишича, қайнониси "тўйда ота-онанг чет эл мебелини олиб бермади", деб қунора жанжал қиларкан.

Бу таъна-дашномларга бир йил чидадим, — дейди дугонан. — Охири эрим билан ажрашдим. Ҳозир чақалогим билан онамникида яшапман. Наҳотки, инсоннинг қадри бойлик билан ўлчанса?

Ота-оналар фарзандларини ёшлиқдан бойликка, мол-дунёга ҳирс қўйишга ўргатамай, уларнинг қалбларига юксак ахлоқ ва имон-этиқодни сингдирибларкан, балки турмушдаги қўйди-қичқилар, ажраллишлар камаярмиди, болалар тирик етимга айланмасмиди?

НИГОРА БОБОКУЛОВА.

ИҚТИДОРЛИ ҚИЗЛАР АНЖУМАНИ

Ўзбекистон давлат консерваториясида Республика иқтидорли қизлар анжумани бўлиб ўтади.

Тадбир Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси, "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси, "Ёшлик" талабалар шахарчаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда фан, маданият, санъат, таълим соҳаси вакиллари ҳамда Зулфия номидидаги давлат мукофоти соҳибалари, "Нихол" мукофоти, Президент, Навоий, Беруний, Улуғбек, Ибн Сино номидаги стипендиялар совриндорлари, "Келажак овози" танлови, спорт мусобақалари ва фан олимпиадалари ғолиблари иштирок этди.

Анжуманда сўзга чиққанлар давлатимиз томонидан ёшларга яратилган шарт-шароитлардан унутили фойдаланиш, улар ўртасидаги муаммоларни ҳал этишда ёшларнинг ролини ошириш борасида фикр алмашдилар.

Тадбирда иштирокчилар ўзларининг илмий ишлари, ижодий асарлари гоёсини тенгдошларига тақдим қилдилар. Шунингдек, касб-хўнаар коллежлари ўқувчи қизлари томонидан яратилган турли чеварчилик намуналаридан иборат "Чеварим қизлар" кўргазма-савдоси ташкил этилди.

Сурайё МЕЛИКУЛОВА, "Туркистон-пресс".

Чирчиқ шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими инспектори Йўлчи Ҳақимов ҳозиргина кўлга киритган АҚШ долларларини чўнтагига солиб, идораси томон йўл олган эди ҳамки, Миллий хавфсизлик хизматининг Тошкент вилояти бошқармаси ҳамда вилоят прокуратураси ходимлари унинг йўлини тўсди. Тезкор ходимларнинг бирин-кетин берган саволларига инспектор тайинли жавоб беролмади. Негаки, махсус ишлов берилган АҚШ доллари олдида ўзини оқлаш фойдасиз эканлигини тушуниб етган эди. Кўз ўнгидан эса ўзи алдаб қилган фуқароларнинг қиёфаси ўта бошлади.

...Чирчиқ шаҳрида яшовчи Оксана Матвеева ни уй-жой билан боғлиқ муаммо бир неча йилдан буён қийнаб келарди. Оксана онаси билан бирга истиқомат қилиб келаятган хонадон отаси А. Матвеевга тегишли бўлиб, у 1991 йилда Чита шаҳрига кетиб қолган, ўшандан буён ундан ҳеч қандай дарак йўқ эди. Оксана ана шу уйни ўз номига расмийлаштиришни истарди. Таниш-билишлари уни Чирчиқ шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимига боришни, улардан ёрдам сўрашни маслаҳат беришди. Бўлим инспектори Йўлчи Ҳақимов Оксананинг муаммосини тинглагач, суднинг қарорини чиқартиришга ваъда бериб, бунинг эвазига минг АҚШ доллари сўради. Аслида Ҳақимов бу иш қўлидан келмаслигини жуда яхши биларди. Шундай бўлсада, қарошида турган аёлнинг соддалигини биллиб, қўйини пуч ёнғоққа тўлдирди.

Аммо О. Матвеева бундан салкам бир йил муқаддам ҳам Й. Ҳақимов билан рўпара келган эди. Ўшанда Людмила Ли исмли даллол аёл унинг муаммосини ҳал этишга ваъда бериб, харажати учун 800 АҚШ доллари ҳамда унинг ҳужжатларини олиб кетган эди. Орадан ҳеч қанча ўтмай, даллол аёл: "Ҳужжатларни шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимида ишлайдиган танишим Йўлчи Ҳақимовга бериб келдим, у бир ой ичида барча ҳужжатларни тайёрлаб беради", деган эди. Айтилган муддатда Людмиладан дарак бўлмагач, Оксана ер ресурслари ва давлат кадастри идорасига йўл олади. Аммо суриш-

тириб кўрса отасининг номидаги уй бошқа бировга расмийлаштирилган экан. Бунинг эвазига Оксана устидан худди совуқ сув қўйилгандек бўлди. Яхшики, ҳужжатлар қалбаки бўлиб чиқди. Найрангбоз Людмила Ли исбатдан қонуний чора қўришни сўраб, ички ишлар идорасига мувожадат қилди. Ички ишлар идо-

дастри идораси қаллоблар маконида айлиниб қолгани, ходимлари эса уй-жойлар олди-сотдиси билан шугулланаётган баъзи найранг усталари — Рамис Мухтасибов, Гулнора Саитназарова қабилар билан жиноий тил бириктириб, кўпалаб фуқароларни алдаб, узоқ вақтдан буён уларнинг ишончини суи-

қилиб А. Инаков ва Й. Ҳақимовлар ҳузурига борди. Ер ресурслари ва давлат кадастри идораси вакиллари уни юпатиб, шаҳарнинг бошқа бир ҳудудидан уй олиб беришди. Шўрпешона Л. Муслимовага бу уй ҳам насиб қилмади. Уйга қўчиб киргач, унинг ҳам қонуний эгаси чиқди. Маълум

нинг қўлига тутқазиб кетди. Олти ойдан сўнг уйига келса, уйи сотиб юборилган экан. Суриштира, Унабаева унинг ҳужжатларини Р. Мухтасибовга бериб юборган экан. Мухтасибов эса Й. Ҳақимов орқали қалбаки ҳужжатлар тайёрлаб, уйни бошқа бир одамга сотиб юборди.

Жиноят ишлари бўйича Чирчиқ шаҳар судида қўриқда номлари тилга олинган фирибгарларнинг жиноят иши кўриб чиқилди. Й. Ҳақимовга 5 йил, А. Инаковга жиноят ишлари бўйича Чирчиқ шаҳар судининг 2009 йил 25 августдаги ҳукми юзасидан ўталмай қолган жазони қўйган ҳолда 4 йил 9 ой, Р. Мухтасибовга 3,5 йил озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди. Г. Саитназарова Олий Мажлис Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги ёллон қилинганлигининг ўн саккиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарорига мувофиқ жазодан озод қилинди. Суд жабрланувчилардан алдов йўли билан ўзлаштирилган пулларни А. Инаковдан ундиришни лозим топди.

Суд ҳукми билан танишар эканмиз, таажжубли бир ҳолат эътиборимизни тортди. Чирчиқ шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимига 2007 йилгача бошлиқ бўлиб келган, фирибгарликни ўзига касб қилиб олган А. Инаков 2002-2009 йиллар давомида беш марта ба судланган, яна айнан фирибгарлик, мансабга совуққонлик билан қараш, ваколатини суистеъмол қилиш, расмий ҳужжатларни қалбақлаштириш моддалари билан. Жиноят устига жиноят содир этиб (асосан ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилинган А. Инаков жазо муддати тугамай туриб, тақорр жавобгарликка тортилган), қонунни менсимай келган, мансабига нолайиқ бу кимса қандай қилиб ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимидек нуфузли идора бошлиғи вазифасини эгаллаб келган?

Яхшики, ҳуқуқни муҳофаза этиш идоралари томонидан олиб берилган кенг қўламли тергов ҳаракатлари найрангли ўйларга нукта қўйди. Ўйқса, яна қанча фуқаролар найрангбозлар ногорасига ўйнаб, чўз тушиши ҳеч гап эмас эди.

Ш. ЖУМАЕВ.

ҚАЛЛОБЛИК

ЧАНГАЛИДА

ёки сири фoш бўлган найрангбозлар

ралари томонидан Людмила Ли жиноий жавобгарликка тортилди. Аммо Оксана 800 АҚШ долларини қайтариб ололмай, қуйиб қоларди. Орадан бир неча кун ўтгач, О. Матвееванинг хонадонига З. Исхандаров исмли шахс келиб, уй унинг номига расмийлаштирилганини айтиб, хонадонни бўшатиб қўйишни талаб қилади. Суриштирувлардан сўнг бу ҳужжат ҳам қалбаки бўлиб чиқди.

Й. Ҳақимов билан учрашар экан, Оксананинг ҳаёлида ана шу дилхиралликлар, сарсонгарчиликлар ўта бошлади. Оксана инспекторнинг таклифига рози бўлди-ю, пулни олиб бериб беришга шошилмади. Й. Ҳақимов эса пулни олиб келишни сўраб, қунора сим қоқарди. Оғзи куйган қатиқни ҳам пуфлаб ичар, дейишди. Ана шу ақидага амал қилган Оксана яна минг АҚШ долларида қуйиб қолгисига келмай, инспекторнинг қонунга зид хатти-ҳаракатлари юзасидан Миллий хавфсизлик хизматининг вилоят бошқармасига ариза ёзди. МХХ ва вилоят прокуратураси томонидан ишлаб чиқилган оператив тадбир таъмагир инспекторнинг жиноий қилмишига нукта қўйди. Аммо тергов давомида шаҳар ер ресурслари ва давлат ка-



истеъмол қилиб келгани фoш этилди. Жабр кўрган фуқаролардан аризалар туша бошлади.

Чирчиқ шаҳрида яшовчи бева аёл Л. Муслимова ҳам қаллоблар чангалига тушиб, анчагача оворай сарсон бўлди. Шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи Акмал Инаков ва инспектор Й. Ҳақимовлар Л. Муслимовага шаҳар марказидан икки хонали уй олиб беришни ваъда қилишди. Бунинг учун Л. Муслимовадан беш минг АҚШ долларини қуртдай санаб олишди. Ваъдага вафо қилган давлат кадастри ходимлари аёлга уй олиб беришни ваъда қилишди. Бунинг учун Л. Муслимовадан беш минг АҚШ доллари қарз олиб, отасини кўрган Қизилўрда шаҳрига жўнайди. Гаров тариқасида эса унинг ҳужжатларини Унабаева-

бўлишича, бу икки найрангбоз уйи гўё Л. Муслимова номига ўтказиб берилгани тўғрисида сохта ҳужжат тайёрлашган. Судда жабрланувчи сифатида кўрсатма берган А. Мухтаров, Г. Лиҳаналар ҳам уйи сотиб олиш учун йиғиб юрган пулларини қандай қилиб қаллобларга қўшқўллаб тутқазиб қўйиларини билмай қолдишди. Энди эса на уйдан ва на пулдан дарак бор.

Жабрланувчи А. Исаева эса фирибгар Р. Мухтасибов ва Й. Ҳақимовларнинг виждонсизлиги сабабли ўзи яшаб келган хонадонидан ажралиб қолди. Гап шундаки, 2007 йилнинг эида А. Исаева таниши А. Унабаевдан 200 АҚШ доллари қарз олиб, отасини кўрган Қизилўрда шаҳрига жўнайди. Гаров тариқасида эса унинг ҳужжатларини Унабаева-

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир
Равшан ЁҚУБЖОНОВ
Навбатчи
Ирода НОРБОВЕВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ

Хафтаннинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Буюртма Г-540.

Адади 9603.

Ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қороз бичими А-2.

ISSN 2010-9318.